



Томорқа тажрибаси
ортидан турмуш
фаровон бўляпти

2-с.

Хунарли ҳар хонадон ризқу
рўздан, баракадан бебаҳра эмас

Бизда шундай бир одат борки, ёшлар қўшимча хунар сифатида,
албатта, бешик яшаш санъатини ўзлаштириб олишади.

3-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

УЮШМА КУНДАЛИГИ

Маҳалла раислигига муносиблар сайланади!



Хабарингиз бор,
жорий йилнинг май-июль ойларида
маҳалла фуқаролар
йиғинлари раислари
сайлови ўтказилади.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирокида мазкур муҳим ижтимоий-сиёсий жараёни юқори даражада ташкил этиш ва ўтказиш ишлари кўриб чиқилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, бугунги кунда Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган “маҳалла еттилиги” фаолияти ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Буни маҳаллаларда ишсизлик, миграция, оилавий ажралишлар, жиноятчилик кўрсаткичлари

кескин камайгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Албатта, “еттилик” ишининг самараси маҳалла раисларига бевосита боғлиқ. Шу боис маҳаллаларга энг муносиблар сайланиши лозим. Бунинг учун сайловларни юқори савияда ташкил этиш талаб этилади. Бунда ҳамкор ташкилотларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари муҳим ҳисобланади.

Мулоқотда маҳалла раислари сайловини ўтказиш бўйича режалар белгилаб олинди.

БУГУНГИ СОНДА:

Ота-она тарбияси мактабда, маҳаллада кўзгудек акс этади

“Умумтаълим мактабларида ҳар ой икки мартаба вояга етмаганлар ва ёшлар билан учрашувлар ўтказаямиз. Юриш-туришида, тарбиясида ноҳўя хатти-ҳаракатлар кузатилаётган ўқувчиларнинг ота-оналарини чакиртириб, уларга фарзандлар тарбиясига жиддий эътибор қаратишларини сўраямиз”.

5-с.

Ҳақиқий вазият англанмагунча бирор натижага эришмоқ қийин

Аслида, меҳнатга лаёқатсизлиги туфайли ҳеч қаерда ишламайдиган хонадон вакиллари бу аҳволдан олиб чиқиш анча куч ва ҳаракат талаб қиладиган жараён. Бунда битта маҳалла ёки туманга умумий режа тузишнинг имкони йўқ. Фақатгина алоҳида ёндашув асосида керакли чора-тадбирларни амалга ошириш мумкин.

6-с.

Тажрибада малака оширишга эҳтиёж катта

Хотин-қизлар фаолининг иш самарадорлигини янада ошириш учун республиканинг энг илғор мутахассисларини жалб қилган ҳолда малака ошириш курсларини кўпайтириш керак. Бу бир туман ёки вилоят миқёсида эмас, янада кенг қўламда олиб борилса, ўзаро фикр ва мулоҳаза алмашиш имконияти туғилган бўларди. Унда ҳуқуқий саводхонликни оширишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

7-с.

ЖАРАЁН

Халқ билан давлат ўртасидаги ишонч кўприги бўлган маҳалла бугун инсонни бағрикенглик ва халқпарварлик руҳида тарбиялаш маконига айланди.

Давлатимиз раҳбари Шарққа хос маданиятни ўзида жамлаган маҳаллалар нуфузини ошириш, у орқали юрт ривожига хизмат қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканини таъкидлаганида ҳақ эди.



ПРЕЗИДЕНТ ТАЪКИДИ ҲАҚ: МАҲАЛЛА НУФУЗИНИ ОШИРИШ ҲАР БИР ФУҚАРОНИНГ БУРЧИ!

Президентнинг тегишли фармон ва қарори асосида “маҳалла еттилиги” тизими йўлга қўйилди, эндиликда улар сафида ҳар тўрт маҳаллага бир нафар, бутун республика бўйича 2,5 минг нафар банк ходими

қўшилди. Бу орқали маҳалла аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, ҳудуд маънавий қиёфасини яхшилаш, жиноятчиликни камайтириш борасида катта кучга эга бўлди.

Маҳалла тизимидаги ишларнинг изчил олиб борилиши учун ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маиший ҳолатлари ҳисобга олиниб, йиғинларни “яшил” (нисбатан яхши), “сарик” (нисбатан ўртача) ва “қизил”

(муаммолар гирдобиди қолган) тоифаларга ажратиш тажрибаси қўлланила бошланди. Мисол учун, Андижон вилоятида 909 та маҳалла бўлиб, улардан 305 таси “яшил”, 486 таси “сарик” ва 118 таси “қизил” ҳудудларга

ажратилган. Энг аввал ишни қаерда, нимадан ҳамда қандай бошламоқ даркор, деган саволларга ушбу рақамлар асос бўлиб хизмат қиляпти.

Давоми 2-саҳифада.

“Маҳалла лигаси” да қатнашинг ва ғолиб бўлинг!

Маҳаллаларда 30 ёшдан юқори бўлган аҳоли ўртасида “Маҳалла лигаси” спорт мусобақаларига старт берилади.



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Спорт вазирлиги ва Ёшлар ишлари агентлиги ҳамкорлигида илк марта ташкил этилаётган мазкур мусобақада ўз жамоангизни тузинг ва ғолиб бўлинг!

Беллашувлар маҳаллаларда **мини-футбол, волейбол, стол теннис, стритбол, воркаут, шахмат ва шашка** спорт турлари бўйича **апрель-август** ойларида ўтказилади.

Мусобақалар уч босқичда ташкил этилади:
1-босқич — маҳаллаларда ўтказилади;

2-босқич — туман (шаҳар) бўйича бўлиб, ушбу босқичда ғолиб жамоа ёки яқка спортчилар мусобақанинг ҳудудий босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади;

3-босқич — финал мусобақалари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида бўлиб ўтади.

Ғолиблар Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланади.

ТАШАББУС



ТҲЙЛАР ТОҚАТДАН ТАШҚАРИДАГИ ТАЛАБЛАР ГИРДОБИГА АЙЛАНГАН

3-с.



ЁШ БОЛАНИНГ ҚЎЛИ ТЕГСА, СУВ НОПОК БЎЛАДИМИ?

8-с.



ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
Европа Иттифоқининг
Ташқи ишлар ва
хавфсизлик сиёсати
бўйича олий вакили,
Европа комиссияси вице-
президенти Кая Каллас
билан учрашди.



Президент
Шавкат Мирзиёев
давлат мулкани
хусусийлаштириш
бўйича
КЕНГАЙТИРИЛГАН
ЙИГИЛИШ ўтказди.



Давлатимиз
рахбари
АВТОМОБИЛЬ
ЙЎЛЛАРИНИ ҚУРИШ
лойиҳаларининг бориши
тўғрисидаги ахборот
билан танишди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Президент таъкиди ҳақ: маҳалла нуфузини ошириш — ҳар бир фуқаронинг бурчи!



Шукржон МАМАТКУЛОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
фахрий сенатор, профессор.

Шу ўрinda “яшил”
худуд тоифаси-
га кирувчи бир
маҳалла мисолида жараёни
кузатсак, ўйлаймани, кўп ма-
салага оидлик киритилди.
Андижон туманидаги “Орол”
маҳалласи вилоят маркази-
дан анча узоқда жойлашган.
Худуддаги 611 та хонадонда
902 та оила, уларда 2 696 на-
фар аҳоли истиқомат қилади.
Инфратузилма муаммоларига
истикболли ечимлар топила-
пти. Аҳоли тўлиқ ичимлик
суви билан таъминланган
ҳамда салкам 12 километр
ички кўчалар асфальтлан-
ган. Кейинги уч йил ичида
маҳалла фуқаролари ишти-
рокида биронта жиноят соди-
рилмаган. Ажралиш ёқасига
келиб қолган иккита оиланинг
яраштирилишига эришилгани
туфайли оилавий ажралишлар
қайд қилинмаган.

“Бир маҳалла – бир
маҳсулот” тамойили асосида
хонадонларда иссиқхоналар
ташқил этилган. Оилаларнинг
иқтисодий аҳоли яхшила-
ниши туфайли маҳаллада
камбағаллик даражаси
2000 йилдаги 36,7 фоиздан
бу йил 0,08 фоизга тушди.
Бир оила мисолида 40-
50 миллион сўм даромад
олиш тажрибаси одатий ҳолга
айланмоқда.

Эришилган ижобий на-
тижаларда вилоят Кенгаши
депутати, “Дўстлик” ордени
соҳиббаси Матлубахон Ғаниева
бошчилигидаги маҳалла фа-
олларининг муносиб ҳиссаси
борлигини эътироф этиш
ўринлидир.

Ёки бўлмаса, Избоскан ту-
манидаги “Обод” маҳалласида
52 та хонадонга тикувчилик,
деҳқончилик, паррандачилик,
асаларичилик, узумчилик,
лимон етиштириш йўна-
лишлари бўйича имтиёзли
кредитлар ажратилгач, кўплаб
муаммоларга ечим топи-
лди. Қўрғонтепа туманидаги
“Сохибқирон” маҳалласида
иккита мактаб ҳудудида катта
ҳажмда бўш турган майдонлар
борлиги аниқланиб, бу ерда
40 та тадбиркорлик субъекти
ташқил қилинди, 110 та янги
иш ўрни яратилди. Бундай
мисолларни яна Булоқбоши
туманидаги “Учкўча”, Андижон
туманидаги “Деҳқон” маҳалла-
лари фаолияти мисолида ҳам
келтириш мумкин.

Демак, давлат бошқаруви
тизимининг бошланғич нукта-
си, яъни негизи бўлган маҳал-
лада, энг аввало, аҳолини иш
билан таъминлаш масаласига
оқилона ечим топиш, биноба-

рин, ишсизлик муаммолари
аниқ-равшан ҳал этилса, халқ
турмуш фаровонлиги ошади.
Республикамиз миқёсида,
расмий маълумотларга кўра,
жами аҳолининг бандлик
даражаси 23 фоиздан
8 фоизга тушди. Бу – маҳалла
тизимига ёндашувнинг янгича
йўналишлари қарор топаётга-
нидан далолатдир.

Бандлик муаммоси бево-
сита ва билвосита камбағал-
лиқни қисқартириш сиёсати
билан боғлиқ. Бу атама сўнгги
беш йилда Президентимиз
энг кўп таъкидлаган сўзлар
сирасига қиради. Камбағал
оилалар ҳаётини ўзгартириш,
турмуш тарзини яхшилаш
учун “Камбағалликдан фаро-
вонлик сари” дастури ҳаётга
татбиқ этилди. Давлат раҳбари
ташаббуси ва топшириғига
асосан, ҳар бир раҳбарга беш-
тадан камбағал оила бирик-
тирилди. Уларга қандай ёрдам
кўрсатилиши аниқ белгилаб
берилди.

Камбағаллиқни
келтириб чиқарувчи
омиллар — ишсиз-
лик ва боқиманда-
лик ҳисобланади.

Уларни камайтириш,
қисқартиришда аҳолида
тадбиркорлик руҳини уйғотиш,
инсоннинг ички куч-қуввати
ва салоҳиятини тўлиқ рўйбга
чиқариш, янги иш ўринла-
ри яратиш бўйича иқтисо-
дий-ижтимоий сиёсатни амал-
га ошириш зарур. Бу жараёнда
бирдан-бир тўғри ечим —
тадбиркорга шароит яратиш, у
билан манфаатли ҳамкорлик
қилишдир. Шу мақсадда

“20 минг тадбиркор –
500 минг малакали мутахас-
сис” дастури ҳаётга татбиқ
этилди.

Одамлар боқимандалик
кайфиятидан чиқиши, ис-
лохотлар жараёнига дахл-
дорлик ҳисси билан яшаши,
астойдил ҳаракат қилиб, бил-
маганини ўрганиши зарур. Бу
борада кексаларнинг маслаҳа-
ти, йўл-йўриғи муҳим, албатта.
Шу боис Президент ташаббуси
билан маҳаллалардаги катта
ҳаётий тажрибага эга бўлган,
обру-этиборли уч нафар
фаол нуронийнинг ҳар бирига
бештадан камбағал оила
бириктирилди. Бу ҳаракат ўз
самарасини бериб, томорқа-
дан фойдаланиш, ишламай
уйда ўтириб қолганларни
ҳаракатга келтириш, “барча
нохушлиқлар бекорчиликдан
келиб чиқади”, деган нақл-
нинг мағзини чақиб иш тутиш
дастуриламалга айланди.

“Маҳалла – Ватан ичра
Ватандир”, дея бежиз айтил-
маган. Одамлар қандай ҳаёт
кечирапти, турмуш даражаси
қай йўсинда, аҳиллик, бағри-
кенглик, миллий қадриятлар
ўчоғининг қалови қандай —
булар бугуннинг энг муҳим
саволларидир. Илк бор кўрган
кишингиздан “қаердансиз”,
деб сўралади, у маҳалласи-
нинг номини айтиди. Утаётган
ҳар бир кунимиз узсиз бошлан-
майди.

Шундай экан, маҳалла
қадрини, шаънини, обру-эти-
борини баланд тутатган юрт
фуқароси эканимиздан чексиз
фахрланайлик. Ватан рав-
наки йўлида виждонан ҳалол
меҳнат қилиш инсонийлик
бурчимизга айлансин!



МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Ширин шаҳрининг Мир-
зо Ҳусеинидаги
маҳалласида аҳолининг
даромадини ошириш ва
ишсизликни камайтириш
мақсадида манзилли
ишлар йўлга қўйилган.

Маҳаллада
1 115 та хонадон
бўлиб, уларда 3 451
нафар аҳоли истиқомат қилади.
Давлатимиз раҳбарининг аҳоли
даромадини ошириш ва уларни
камбағалликдан чиқариш бўйича
берган топшириқлари асосида
худудда тизимли ишлар йўлга
қўйилган.

— Ширинда иқтисодиётнинг қон
томири ҳисобланган “Фарҳод” ГЭС,
“Сирдарё ИЭС” бор, — дейди маҳалла
раиси Умид Хайдаров. — Аҳоли-
нинг деярли 50-60 фоизи мазкур
корхоналарда фаолият кўрсатади.
Қолаверса, тадбиркорлик, деҳқон-

Қимирлаган қир ошяпти



чилик, иссиқхоначилик, чорвачилик,
паррандачилик ва асаларичилик йўна-
лишларида даромад топаётганлар бор.
Хусусан, тадбиркор Жумабой Шерматов
2,5 гектар ерда иссиқхона ҳўжалигини
ташқил этиб, унинг 1 гектарига по-
мидор, 1,5 гектарига бодринг экди. 50
нафар доимий, 100 нафарга яқин мавсу-
мий хизматчи ёрдамида бир йилда икки
маротаба ҳосил олиб, маҳсулотларни
қўшни давлатларга экспорт қияпти.

Маҳаллада томорқачилик масала-
ларига жиддий эътибор қаратилляпти.
Тўқсонбостига экилган исмалоқ,
саримсоқ, редиска, кашнич, шивит каби
резавор экинлар бозордан муносиб
жой олаётган бўлса, ерга қадалаётган
помидор, бодринг, картошка, сабзи,
кизилча ва бошқа экин турлари аҳоли-
нинг даромади ошиши, дастурхоннинг
ийл давомида тўкин бўлишига хизмат
қилаётир.

Ғулом ПРИМОВ,
журналист.

ТОМОРҚА ОРТИДАН ТУРМУШ ФАРОВОН БЎЛЯПТИ

Бу ерларда беклар
авлоди яшаб, обод
этгани учун маҳал-
лага “Бекобод”
деб ном қўйилган.
Ҳозирда маҳалла
“драйвер”и — узум-
чилик, кўкاتчилик
ва тикувчилик.

Йиғиндаги
515 та хонадон-
нинг 510 таси

2 сотихдан 20 сотихгача бўлган
томорқа ерида “Ризамат”, “Наман-
ган”, “Хусайни”, “Чарос” каби узум
навларини етиштириб, 40-50 мил-
лион сўмгача соф фойда кўряпти.
Эркақлар узумчилик билан шуғул-
ланса, фарзанд тарбияси ва уйда
ўтирган аёллар тикувчилик билан
машғул.

Маҳалла аҳолисининг томорқа
маданияти яхши ривожланган.
Ҳар бир хонадон эгаси томорқа-
сида узумдан ташқари, турли хил
қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини
экишади. Масалан, куз ойида узум
ҳосилини йиғиштириб олгач, ток
ораларига тўқсонбости экинлар
экиб, эрта баҳордан рўзғоридан
ортганини бозорларга чиқаришади.
Ҳозирги кунда маҳалладашми-
миз Гулчехра Мирсоатова
4 сотих томорқасида етиштирган
турли хил кўкатларни чоршанба
ва яшанба кунлари бозорларга
чиқариб, ҳафтада 4-5 миллион
сўмгача фойда оляпти. Шунингдек,
қўшни-қўшниларига томорқадан
фойдаланиш сирлари ҳамда қў-
шимча даромад топиш йўлларини
ўргатапти.

Бекободлик аҳоли хонадон-
ларининг ярмида катта-кичик
иссиқхоналар мавжуд. Уларда
бодринг, помидор, бўлғор қалам-
пири, қулупнай, салат барги, турли
кўкатлар ва гул кўчатлари парва-
ришлаб, шунинг ортидан турмуши
фаровон бўляпти.

Еттига аёл тикув машиналари
олиб, тадбиркорлик фаолияти-
ни йўлга қўйди. Ҳар бир тикув
цеҳида 4-5 нафар хотин-қиз
ишли қилинган. Улар кўрпа-ёстиқ
тўплаидан иборат ярим тайёр
маҳсулотларни тикиб, сотувга
тайёр ҳолатда чиқаришади. Яна
элликдан ортиқ хотин-қиз ўз
хонадонида буюртма асосида
аёллар ва болалар кийимлари,
замонавий пардалар тикишади.
Дурдонахон ҳам хонадонида
тикувчилик цехини ташқил этиб,
маҳалла қизларига тикиш-бичиш
сирларини ўргатапти. Ширинлик-
лар ишлаб чиқариш цехида уч



Гулбаҳор
Ғуломхорова
Маҳалла ти-
зими ходим-
лари куниди
“Маҳалла
ифтихори”
кўкрак ни-
шони билан
тақдирланди.

нафар аёл доимий иш билан банд.
Оқ қанд ишлаб чиқариш йўлга
қўйилиши натижасида олти нафар
киши ишли бўлди.

2022 йилда “Ташаббусли
бюджет” лойиҳасида ғолиб
чикиб, маҳалланинг кириб-чиқиш
дарвозасига арка ўрнатгандик. Бу
йилги лойиҳада 3 километр ички
йўللари асфальтлаш бўйича
1,5 миллиард сўмлик лойиҳани
қўлга киритдик. 2023-2024 йил-
ларда маҳалладаги барча хона-
донларга қувур тортилиб, тоза
ичимлик суви билан таъминланди.
Ўтган йили 145 та симёғочни бе-
тон устунларга алмаштириб, битта
юқори кучланишли трансформатор
қўйиб, биттасини таъмирла-
дик. Натижада аҳолининг электр
энергияси таъминоти яхшиланди.

“Маҳалла еттилиги”нинг
ташаббус ва саъй-ҳаракатлари
билан ўтган йили Ўзбекистон
маҳаллалари уюшмаси ўтказган
“Мустақиллигимизнинг 33 йилли-
гига 33 та лойиҳа” танловида “Энг
яхши маҳалла еттилиги” номи-
нацияси ғолиби бўлдик.

Бир сўз билан айтганда, “Бе-
кобод” маҳалласининг ишсизлик-
дан, жиноятчиликдан холи худуд
бўлишида “еттилик” аъзоларининг
ҳамжиҳатлиги муҳим аҳамият
касб этипти.

Гулбаҳор ҒУЛОМХОРОВА,
Пискент туманидаги
“Бекобод” маҳалласи
раиси.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Нуриддин БОЙТЎРАЕВ.
Сурхондарё вилояти:

— Эшитишимча, жорий йилда маҳалла ра-
ислари сайловчи бўлиб ўтар экан. Айтингчи,
сайловга неча ёшдан қатнашиш мумкин,
овоз бериш мажбурийми?

САЙЛОВДА НЕЧА ЁШДАН ҚАТНАШИШ МУМКИН?

Баҳром КУШБАКОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъул
ҳодими:

— Фуқаролар йиғини раиси сайловида
Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг
иштирок этиши ихтиёрий ва эркиндир. Фуқа-
роларни сайловда иштирок этишга ёки ишти-
рок этмасликка мажбур қилиш мақсадида
уларга таъсир кўрсатишга, шунингдек, улар-
нинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдири-
шига таъсир кўрсатишга ҳеч қим ҳақи эмас.

Фуқаролар йиғини раисини сайлаш
ҳуқуқига сайлов куни 18 ёшга тўлган ҳамда
шаҳарча, қишлоқ, овул, шунингдек, шаҳар-
даги, шаҳарчадаги, қишлоқдаги, овулдаги
маҳалла ҳудудида доимий яшовчи фуқаро-
лар эга бўлади.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб
топилган фуқаролар сайловда иштирок эти-
ши мумкин эмас.



Президентимиз
ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИ
ИСТЕЪМОЛИ
самарадорлигини ошириш
чора-тадбирлари бўйича
йиғилиш ўтказди.



“Чиқиндиларни қайта
ишлаш соҳасини янада
такомиллаштириш ҳамда
комплекс тизимлаштириш
чора-тадбирлари
тўғрисида”ги ПРЕЗИДЕНТ
ФАРМОНИ имзоланди.



“Кичик ва ўрта бизнеснинг
иқтисодийётадаги ўрнини
ошириш чора-тадбирлари
тўғрисида”ги
Президент Фармони
ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

ФИКР

Тўйлар тоқатдан ташқаридаги талаблар гирдобига айланган

Тўйларимиз ҳақида қанча гапирилса-да, дабдабазлик, исрофгарчиликка йўл қўйиш ҳолатлари, афсуски, камаймаяпти. Айримлар пулни мисқоллаб, йиллар давомида йиғиб, икки соатлик тўйга босар-тусарини билмай, ботмонлаб ишлатади. Битта қўшиқчи ўзини 15 минут қимирлатганига юз минглаб пул берилади.



Шахноза ХАЛИЛОВА.

Дарҳақиқат, катта хурсандчилик бўлган тўйларимизни дабдабазликка, кимўзарлик пойгасига, ўзимиз учун жиддий ташвишга айлантираётганимиз бор гап. Ҳаддан зиёд тўкин-сочин дастурхон, миллатимизга хос бўлмаган турли ёт одатлар, қиз базмию “Love Story”га ўхшаган қўшимча маросимлар, адоғи йўқ сарпою тоғоралар кўп ҳолларда ортиқча муаммоларга йўл очяпти. Янги қурилаётган оила аввал бошидан жанжалу тортишувлар, йигит-қиз ёки қудаларнинг ўзаро келишмовчилиги билан бошланаётганига мисоллар талайгина.

Хўш, бу ҳолат қачонгача давом этади? Маҳалла-қўй, кўпни кўрган нурунийлар, жамоатчилик бу ҳолатга жим қараб тураверадими?

— Шу вақтгача тўйларни қисқартириш ҳақида кўп гапирганимиз, лекин буни қандай амалга ошириш мумкинлиги ҳақида жиддий ўйлаб кўрмаган эканмиз, — дейди Самарқанд шаҳридаги “Бекҳо” маҳалласи раиси Абдувоиз Дўстов. — Киндир камроқ меҳмон чақиришни маслаҳат беради, қошқас арзонроқ тўйхонани гаплаш, дейди. Шунда ташаббусни қўлга олишга қарор қилдим. Энг аввало, базмгоҳларга бориб, нарх-наво, хизмат кўрсатиш тартибини ўргандим. Ҳисобласам, уйда ўтказиладиган тўйдан уч хисса кўпроқ маблағ кетади. Буни тўй бошلامоқчи бўлганларга тушунтирдик. Бошида ўзимиз турдик, мана, бугун маҳалламизда камхарж ва энг асосийси, миллий қадриятларга мос чироили базмларни ўтказиш анъанага айланди.



Бир оилани биламан. Оила бошлиғи бир неча йилдан буён Россияда ишлаб келяпти. Бу орада қиз чиқарди, икки ўғлини уйлантирди. “Элдан кам бўлмай” деб, данғиллама тўй қилди. Йиллар давомида пешона тери эвазига келган маблағини бир кунлик тўйга сарфлади. Тўйдан кейинги маросимларни ўтказгунича бўлари бўлди. Энди ташвишлари ариди, у ҳам иссиқ уйда, оила аъзолари бағрида яшайди, деб ўйлагандик. Йўқ, у анча қарзга ботган, қарзидан қутулиш учун яна ўзга юртга ишлагани кетишга мажбур эди...

— Бугун нафақат қиз чиқараётган, балки келин қидираётган хонадон ҳам тўйларни ихчам, камхарж қилиб ўтказиш, элдан чиқмаган ҳолда тўй бошлаш тарафдори, — дейди Деҳқонобод тумани “Оқиртма” маҳалласи фаоли Замира Шукүрова. — Агар чиндан исрофгарчиликка қарши бўлсак, тўй-маросимларнинг мусобақага айланиб кетишининг олдини олган бўламиз. Ёшлгимизни эсласак, бундай муаммолар на ота-оналаримизни, на ёши улур бобомоларимизни бошларини оғритган. Момоларимизнинг айтишларича, тўй кунни қурби етса, битта қўй сўйиб, етмасе, битта ош тайёрлаб, маҳалланинг оқсоқолларига ўйланаётганини эълон қилиб келини олиб келаверган. Келин томон қурби етса, кўёва битта қўйлақ, чорси (қийик) ва дўпни ҳозирлаган. Шу аснода тинч, осойишта, тоқатдан ташқари талаблар гирдобига фарқ бўлмай, камтарона, қулай ҳаёт бошланган ва кўп йиллар қўша қариб, тотув, иноқ, хавас қилса арзигулик умр кечиршган.

Бу иллатдан қутулиш учун, аввало, жамият илмли, маърифатли бўлиши керак! Қолаверса, маълум бир тартиблар белгиланиши зарур ва бунга барча бирдек амал қилишини таъминлаш шарт! Агар жамият маърифатли бўлса, инсонлар кимўзарга тўйларга пулларини сарфламайди, илмга, сафар қилишга интилади, бундай жамиятда ҳасадга ўрин қолмайди, исрофгарчиликка йўл қўйилмайди.

Бу ўринда маҳалла фаоллари ташаббусни қўлга олиши зарур! Албатта, аини жараёнда фақат қаттиққўллик билан иш битмайди. Ташаббус кўрсатиш, маҳалла аҳлини жипслаштириш лозим. Керак бўлса, маҳалла раиси, фаолининг ўзи камхарж, дабдабадан холи тўй ўтказиб, бошқаларга намуна бўлсин! Йиллар давомида йиққаннимизни бир кунлик ҳою хавасга эмас, фарзандлар илму камолига сарфласак, бир кун ўз мевасини беради. Зеро, бахт ялтироқ ва сохта ҳашамда эмас, билим ва маърифатда.

Чақалоқнинг “биринчи уйи” — бешик деб аталади. Ушбу анъанавий рўзгор буюми маҳалламиз хунармандчилигида азалдан энг муқаддас хунар маҳсуллари билан бири бўлиб, ҳозирги кунга қадар ясаб келинади. Бешикларимиз бутун шаҳарда нақшинкорлиги, ранглар уйғунлиги ва сифати билан одамларни ўзига қорлаб туради.



ХУНАРЛИ ҲАР ХОНАДОН РИЗҚУ РЎЗДАН, БАРАКАДАН БЕБАҲРА ЭМАС

Фотима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Қарши шаҳридаги
“Чақар” маҳалласи
ёшлар етакчиси.



Хунар инсонинг зийнати, деб бежиз айтишмаган-да! Уни эгаллаган киши қаерда бўлмасин, ризқ-рўздан, қут-баракадан бенасиб қолмайди.

дан ёрқин, табиий ранглар уйғунлигида бежирим нақш солинган бешиклар ясашади. Шу қаторда Шерзод Усмонов ҳам уч йил олдин битта-икита бешик ясаб сотарди. Кузатсам, қўли гул хунарманд, фақат кўпроқ бешик тайёрлаш учун имконияти чегараланган. Унга имтиёзли кредит ажратиб, маҳалланинг ўзидан жой топиб бердик. Бугунги кунда 6-8 тагача бешик сотади. Қўл остидаги 3 нафар шоғирди билан бу ишнинг машаққати сезилмаслигини айтади. Ёнидаги хунарни эгаллашни мақсад қилган ёш

йигитлар ҳам ойига 5 миллион сўм топиб, ушбу хунардан насибадор бўлишади.

Ўғил болалар бешик ясашда, қизлар ёпинғилар, кашталар, сарполар учун буюмлар тикишда моҳир. Хунар инсонинг зийнати, деб бежиз айтишмаган-да! Уни эгаллаган киши қаерда бўлмасин, ризқ-рўздан, қут-баракадан бенасиб қолмайди. Дилрабо Тоғаймуродова ушбу баракадаги меҳнатни танлаб, бугун бешик устидаги ёпинғилардан тортиб, ичидаги тўшаги ва ёстиқчаларигача тикади, маҳалладаги чақалоғи бор хонадонлардаги бешикларни безайди. Хозир қўлида 4 нафар шоғирди бор. Қўнига 20 тадан ёпинчик тикади. Қизлар топаётган даромадидан мамнун.

Маҳалла ёшларининг бандлигини нафақат бешикчиликда, балки бошқа соҳаларда ҳам таъминляпмиз. Бу йилги хатловда йиғинда

6 нафар ишсиз ёш аниқланди. Уларни яқин атрофдаги қоғоз ишлаб чиқариш корхонасига жойлаштирдик. 5 миллион сўмдан ойлик олишади. Қўшимча тарзда 2 нафарига субсидия олиб берилган. Ҳозир улар хунармандчиликни йўлга қўйишни режа қилмоқда.

Ёшларнинг спортга қизиқиши ўзгача. Футбол, волейбол бўйича ДХХ кубогига вилоят, республика миқёсида фахрли ўринларни эгаллаб, маҳалламиз шаънини кўтаришди. Яқинда ёшлар шахмат-шашка мусобақаларини ташкил этиш борасида таклиф беришди. Уларнинг талабига биноан, эндиги режамиз маҳалламиздан мўъжазгина жой ажратиб, шахмат-шашка тўғралақларини ташкил этмоқчимиз. Бундай тўғрақлар ийигит-қизларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириб, ақли чархланишига ёрдам беради, деб ўйлайман.



ЖАРАЁН

Сариосиё Сайхунободдан узоқ, аммо меҳнати ва маслағи яқин

Сурхондарёда аҳоли томорқалари “Сайхунобод тажрибаси” асосида қўшимча даромад топиш манбаига айланган. Рўзгорини бут қилиб, ҳалол меҳнат билан фаровонликка юз тугган хонадонлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда.

Сариосиёлик Интизор Хўжаназарова 4 нафар фарзанднинг онаси. У болалар тарбияси билан бир қаторда гулчилик ва қўчатчилик билан ҳам шуғулланади. Туманининг “Шабнам” маҳалласида яшовчи табиат ошуфта-си бир сотих иссиқхонага 50 турдан ортиқ ноёб флора олами вакиллари кўпайтириб келмоқда. — Меҳнатимиз эвазига яхшигина даромад

ҳам топяпмиз, — дейди Интизор Хўжаназарова. — Тажрибамизни маҳалладошларимга ҳам ўргатаман. Қўйналган оилаларга мана шундай гулларни кўпайтиришни тавсия қиламан. Уйлайманки, улар ҳам ушбу гуллардан яхшигина даромад олади ва хурсанд бўлади.

Туманининг “Боғистон” маҳалласида истикомат қилувчи Роҳатой ая Эр-назарова ҳам ана шундай

ташаббусни давом эттирмоқда. Бугун меҳнатсевар аёл иссиқхонасида 36 тул лимон ва 15 тул апельсин қўчатини ўтказган. Лимондан 2 тонна, апельсиндан 1 тоннагача ҳосил олади. Бундан ташқари, қўшимча даромад манбаи сифатида 30 та товۇқ, 10 та қўй боқаяпти. Интилан одам, албатта, яхши даромадга эришишини Роҳатой ая йиллар давомида исботлаб келаяпти.

Умуман олганда, Сариосиё аёлларининг ҳам борган сари фаоллиги ошиб, замонга мослашяпти. Улар фаровон турмуш кафолати меҳнат эканини аллақачон англаб етган.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Очил МУҲАММАДОВ. Пайариқ тумани:

— Ишхонада менга бириктирилган компьютерни билмаган ҳолда синдириб қўйдим. Бунинг учун менга жавобгарлик борми?



“Ишхона компьютерини синдириб қўйдим...”

Ориф ХОЛБОВЕВ, Пайариқ тумани адлия бўлими бошлиғи:


— Меҳнат кодексининг 337-моддасига кўра, ходим иш берувчига тўғридан-тўғри етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаши шарт. Зарар уни бартараф этиб бўлмайдиган қуч, охириги зарурат ёки зарурий мудофаа оқибатида юзага келган ҳолларда, моддий жавобгарлик истисно этилади.

Кодекснинг 342-моддасига кўра, буюмга қасддан ёки мастлик оқибатида, маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноий ҳаракатлар натижасида, меҳнат мажбуриятини бажармаслик сабабли зарар етказилганда, зарар учун тўлиқ миқдордаги жавобгарлик юклатилади.

Хулоса қилиб айтганда, агар сиз компьютерни билмаган ҳолда, эҳтиётсизлик оқибатида синдирган бўлсангиз, одатда, ўртача ойлик иш ҳақингиз доирасида чекланган моддий жавобгарликка тортиласиз. Агар компьютерни қасддан синдирган бўлсангиз ёки мастлик ҳолатида синдирган бўлсангиз, тўлиқ моддий жавобгарликка тортилишингиз мумкин.



Ногиронлиги бўлган шахсларни парвариш қилиш учун мўлжалланган ТИББИЙ БУЮМЛАР РЎЙХАТИ тасдиқланди.



Президент қарорига кўра, қаттиқ маиший чиқиндиларни ёқиш орқали ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ишлаб чиқарилади.



2026 йилдан бошлаб ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛГАН ШАХСЛАР учун фаолият турлари рўйхати 104 тадан 72 тага қисқартирилади.



СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ҲЕЧ БИР САВОЛИ ЖАВОБСИЗ ҚОЛМАЯПТИ

Менга бириктирилган маҳаллалар туман марказига туташ ҳудудда жойлашгани учун, асосан, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, савдо соҳаси кенг ривожланыпти. “Тошҳовуз” йиғинида тўртта пахтани қайта ишлаш корхонаси, қора қоғоз ишлаб чиқариш цехлари бор. “Иттифок” маҳалласи аҳолиси улгуржи ва чакана савдо билан машғул.

Зокиржон ИСМОИЛОВ, Ёзёвон туманидаги “Тошҳовуз” ва “Иттифок” маҳаллалари солиқ инспектори.

Хар икки маҳаллада “Бир контур — бир маҳсулот” тамойили асосида полиз маҳсулотлари етиштирилмоқда. Жорий йил фуқаролар 10-15 сотих ер майдонида иссиқхона ташкил этиб, кооперация асосида иш бошлади. Хозирда 80 сотих иссиқхоналарда бодринг, помидор ва турли полиз маҳсулотлари етиштирилиб, водий бозорларига етказиб берилляпти. Ушбу маҳаллаларда ўзини ўзи банд қилган 893 нафар фуқаронинг аксарияти қишлоқ хўжалиги, ёёоч устачилиги, маҳсулотларни етказиб бериш хизмати ва чорвачилик йўналишларида расмий даромадга эга.

Фаолиятимиз давомида “маҳалла еттилиги”нинг иқтисодий таянчи бўлиб, ҳудуднинг “ўсиш нуқталари”ни аниқлаб, солиқ тушумларини кўпайтиряпмиз. Бунинг учун, аввало, маҳаллалардаги тадбиркорлик фаолиятини қонунийлаштириб, ўзини ўзи банд қилганларга кичик бизнес тоифасига ўтишга кўмаклашяпмиз. Мазкур маҳаллаларда иш бош-

лаганимдан буён тадбиркорлар сони 50 фоизга ортди. Утган йили февраль ойида 144 миллион сўм солиқ тушуми ундирилган бўлса, жорий йил ушбу ойда 170 миллион сўмни ташкил этиб, 117 фоизга ўсди. Умумий 700 миллион сўм солиқ қарздорлигидан 100 миллион сўм қолди.

Айни пайтда менга бириктирилган маҳаллаларда 66 та юридик корхона, 101 нафар якка тартибдаги тадбиркор, 366 та деҳқон хўжалиги бор. Жорий йилнинг шу кунига қадар вақтинча молиявий қийинчиликка дуч келган 3 нафар тадбиркор фаолияти қайта тикланиб, 4 та янги иш ўрни яратилди. 57 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилаётган “Ёзёвон текстил-2” тикувчиликка ихтисослашган корхонаси йирик солиқ тўловчилар тоифасига ўтиб, 10 миллион сўм ўрнига 160 миллион сўм қўшилган қиймат солиғи тўлаяпти.

“Маҳалла еттилиги” ташкил этилиб, йиғинларга солиқ инспекторлари бириктирилгач, энг қўйи тизим — ҳар бир тадбиркорлик субъекти ва хонадонга кириб, уларни солиқ қонунчилиги, имтиёз ва имкониятлар ҳақида хабардор этияпмиз. Натижада чакана савдо билан шуғулланиш истагини билдираётган фуқаролар сони кўпайди.

Зокиржон Исмоилов Маҳалла тизими ходимлари кунига “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Шу боис бўлажак тадбиркорларга қонуний фаолият юритиши бўйича маслаҳат бериб, онлайн назорат-касса машиналаридан мунтазам тарзда фойдаланиш, харид чекларини бериш, ишчи-ҳодимлар сонини яширмаслик, ҳисоботларни ўз вақтида топшириш, камчилик ва хатоликларга йўл қўймаслик кенгайитиш тўшунтиряпмиз. Айрим тадбиркорларга бухгалтерия ва солиқ ҳисоботларини топширишга кўмаклашяпман.

Олдинлари фуқаролар оддий тушунмовчилик юзасидан ҳам солиқ идорасига қатнаб, вақтинчи, нақднинг кетказиб юрарди. Хозир ҳар куни маҳаллаларда кўчама-кўча юриб, солиқ тўловчиларни қизиқтирган ҳар бир саволига жавоб берапман. Натижада аҳолининг солиқ соҳасидаги билими ортиб, тўловларни ўз вақтида амалга оширяпти.

Бир сўз билан айтганда, “маҳаллабай” ишлаш тизими ўзининг ижобий натижасини кўрсатяпти. Бундан буён ҳам мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, савдо-сотик, маиший хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтирямиз. Шунда тадбиркорлар сони ортиб, янги иш ўринлари яратилади. Ўз навбатида, аҳолининг яшаш шароити яхшиланиб, “маҳалла бюджети” ортади.



НАТИЖА

260 НАФАР СОЛИҚ ИНСПЕКТОРИ МУКОФОТЛАНДИ

2025 йил феврал ойида “Маҳаллаларда солиқ органлари фаолияти” ахборот тизимида солиқ инспекторларининг самарадорлик кўрсаткичи (КРП) 77 баллни ташкил этди.

Умумий рейтингда Тошкент вилояти (84,5 фоиз), Андижон вилояти (78,2 фоиз), Тошкент шаҳри (77,6 фоиз) солиқ инспекторлари юқори натижага эришди.

Ушбу ойда маҳаллаларга бириктирилган инспекторларнинг рейтинг кўрсаткичларида 90 дан юқори балл жамғарган 260 нафар ходим мукофотланди.

9 452 та маҳаллага бириктирилган 4 316 нафар солиқ инспекторининг 1 412 нафари 80 дан 90 баллгача, 707 нафари 75 дан 80 баллгача тўплаган. 1 937 нафари 75 дан паст балл олган.

2025 йил 1 апрелдан даромадидан қатъи назар, фармацевтика маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчи ёки тиббий хизмат кўрсатувчи юридик шахслар қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) тўловчиси бўлади.



ХАБАРДОРМИСИЗ?

ФАРМАЦЕВТИКА КОМПАНИЯЛАРИ ҚҚС ТЎЛОВЧИСИГА АЙЛАНАДИ

Бу жараёнда солиқ органлари онлайн назорат-касса техникаси, электрон ҳисобварақ-фактура (ЭХФ) ва бошқа ташқи ва ички маълумотлар асосида ҚҚС ҳисоботларини автоматик тарзда шакллантиради. Ушбу тартиб Солиқ кодексига тегишли ўзгартиришлар киритилгандан сўнг амалиётга жорий этилади.

Амалдаги қонунчиликка кўра, фармацевтика маҳсулотларини сотувчи ёки тиббий хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар учун солиқ тўлаш тартиби қуйидагича:

- даромади 1 миллиард сўмдан ошмайдиганлар — айланмадан олинандиган солиқ тўлайди;
- даромади 1 миллиард сўмдан кўп бўлганлар — ҚҚС ва фойда солиғи тўлашга ўтади.

ҚҚС 12 фоизни, фойда солиғи ставкаси 15 фоизни ташкил этади. Ижтимоий соҳа фаолиятини амалга оширувчи солиқ тўловчилар учун фойда солиғи ставкаси ноль фоиз белгиланган.

Айланмадан олинандиган солиқ ставкаси 4 фоизни ташкил этади. Улгуржи ва чакана дори воситаларини сотиш билан шуғулланувчи дорихоналар учун солиқ ставкалари қуйидагича белгиланган:

- аҳоли сони 100 минг нафар ва ундан кўп бўлган шаҳарларда — 3 фоиз;
- бошқа аҳоли пунктларида — 2 фоиз;
- бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда — 1 фоиз.

Шунингдек, солиқ тўловчилар қатъий белгиланган суммада айланмадан олинандиган солиқни тўлашга ҳақли.

Солиқ қўмитаси Ахборот хизмати.

ИМКОНИАТ

Айрим тадбиркорларга гаровсиз кредитлар берилади



Юртимизда сўнгги беш йилда кичик ва ўрта тадбиркорлар сони икки қарра кўпайди. Уларда 10 миллион 500 минг одам — жами банд аҳолининг 74 фоизи даромад топиб, рўзғор тебратяпти. Ушбу рақамларнинг ўзиёқ мамлакатимиз иқтисодиёти учун кичик ва ўрта бизнес қанчалик муҳимлигини яққол кўрсатиб турибди. Қолаверса, иқтисодиёт ҳажмининг ярмидан кўпи, саноат ва экспортнинг учдан бири шу соҳа вакиллари ҳиссасига тўғри келяпти.

Мақсадбек ҚЎЧҚОРОВ.

Давлатимиз раҳбари шу боис бу йўналишни қўллаб-қувватлаш бундан кейин ҳам давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлишини таъкидлаб, кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан учрашув ҳамда кўплаб йўналишлар ўтказяпти. Фармон ва қарорлар қабул қилиняпти.

Яқинда Президентнинг “Кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодиётдаги ўрнини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони имзоланди. Унга кўра, кичик ва ўрта бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 55 фоизга, саноатда 34 фоизга, экспортда 34 фоизга ва аҳоли бандлигини таъминлашда 75 фоизга етказиш; камида 600 нафар кичик ва ўрта бизнес субъектларининг йириклашишига кўмаклашиш орқали уларни “чемпион” тадбиркорларга айлантириш; 100 нафардан кўп ишчиси бор тадбиркорлик субъектлари сони 4 мингга етказиш 2025 йилда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари этиб белгиланди.

2025 йил 1 майдан ўзини ўзи банд қилган шахслар якка тартибдаги тадбиркор (ЯТТ) ёки юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганда **давлат божини тўламайди**. Ўз фаолиятини **тегишинча** ЯТТ, микрофирма ёки кичик корхона тоифасига айлантиришга ўзини ўзи банд қилган шахслар ва тадбиркорларга Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида 50 миллион сўмгача, Кичик бизнесни ўзлуксиз қўллаб-қувватлаш комплекс дастури доирасида **150 миллион сўмгача гаровсиз кредитлар берилади**. Ўз фаолиятини тегишинча ўрта ёки йирик бизнес тоифасига айлантиришнинг тадбиркорларга 1 йил давомида ҚҚС суммаси ўрнини қоплаш (қайтариш) 7 кун муддатда **тезлаштирилган тартибда амалга оширилади**.

Фармонга кўра, Қорақалпоғистон Республикасида **2025 йил 1 июлга қадар** юридик шахсларга онлайн тартибда микрокредит ажратиш жараёнларини соддалаштириш ва уларни тезкор тасдиқлаш тартиблари ташкил этилади. Кичик бизнесни ўзлуксиз қўллаб-қувватлаш комплекс дастури доирасида Ижтимоий ҳимоя ягона реестрида турган ишсиз фуқароларни иш билан таъминлаган кичик ва ўрта бизнес субъектларига ушбу фуқаролар учун ташкил қилинган ҳар бир иш ўрнига қўшимча равишда 10 миллион сўмдан, 10 ва ундан кўп бундай иш ўринларини ташкил қилган субъектларга 100 миллион сўмгача 3 йилгача муддатга йиллик 14 фоиз ставкада айланма маблағларни тўлдириш учун **кредит ажратиш амалиёти йўлга қўйилади**.

Мазкур ҳужжат асосида **2025 йил 1 июлдан 2028 йил 1 январга қадар** кичик ва ўрта бизнес субъектлари зиммасига янги мажбуриятлар юклатилишини назарда тутадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишга **мораторий эълон қилинади**. Тадбиркорлик субъектларига янги тартибга солиш воситаларини белгилашни ёки амалдагиларини қучайтиришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан “ягона санадан янги қоидалар” тамойили қўлланади ва ушбу нормаларнинг қучга кириш санаси 1 январь ёки 1 июль этиб белгиланади.



2028 йил 1 январга қадар “Биринчи имконият” тамойили жорий этилади ва унинг доирасида биринчи фаолият йили давомида савдо ва тадбиркорлик соҳаларига оид маъмурий ҳуқуқбузарликни илк бор содир этган кичик тадбиркорлик субъектлари маъмурий жавобгарликдан озод этилади.

2025 йил 1 сентябрдан бошлаб охириг уч йилда товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган жами даромади 10 миллиард сўмдан ошмаган; бюджет ва кредиторлар олдида қарздорлиги мавжуд бўлмаган ҳамда мунтазам равишда солиқ ҳисоботларини тақдим этаётган; “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимида ҳуқуқбузарлик содир этиш ҳавфи паст даражада таснифланган мезонларга бир вақтнинг ўзида жавоб берувчи кичик ва ўрта бизнес субъектларининг фаолиятини ихтиёрий равишда тугатишда **солиқ текшируви ўтказилмайди**.

2025 йил 1 июлдан ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари амалдаги 106 та фаолият тури 72 тага қисқартирилади. Асосан, ЯТТ шуғулланадиган (хоналарни тозалаш, мебель йиғиш, автомобилларни таъмирлаш, косметолог) ва саноат усулида амалга ошириладиган (печка ва каминлар ясаш, шиша пуфлаш, қўзғу тайёрлаш, соатсозлик) йўналишлар қисқармоқда.

Шунингдек, фермер хўжалиқларининг солиқ қарздорлиги бўйича ҳисобланган пеня ҳисобидан чиқарилади ҳамда суд ва ижро ишларининг ушбу пеняни ундириш билан бозлиқ қисми туғатилади.



Ўзбекистондаги
чиқинди
полигонларида
ЭКОСАНОАТ
ЗОНАЛАРИ
ташkil
этилади.



БОЛАЛАР
ОМБУДСМАНИ:
ота-оналар
огоҳлантирилгач,
мактабларда
давомат
99 фоизга
етди.



Ўзбекистон
ташаббустлари
асосида БМТда
қабул қилинган
11 ТА РЕЗОЛЮЦИЯ
кенг тарғиб
қилинади.

ЖАРАЁН

ҲАҚИҚИЙ ВАЗИЯТ АНГЛАНМАГУНЧА БИРОР НАТИЖАГА ЭРИШМОҚ ҚИЙИН

МУСТАҲКАМ
ИРОДА, САБР
ВА БАРДОШ,
ИНСОНИЙ-
ЛИК, МЕХР
ВА МУРУВВАТ
— БУ ФАЗИ-
ЛАТЛАРНИНГ
БАРЧАСИ
ИЖТИМОИЙ
ХОДИМНИНГ
МУВАФ-
ФАҚИЯТГА
ЭРИШИШИ
УЧУН ПОЙДЕ-
ВОР БУЛАДИ.
АҲОЛИ
БИЛАН
МУЛОҚОТ
ЖАРАЁНИДА
ҚАНЧАЛИК
ДИҚҚАТ ВА
ЭЪТИБОР БИ-
ЛАН УЛАРНИ
ТИНГ ЛАСАК,
МУАММОЛА-
РИНИ ЧУҚУР-
РОҚ АНГЛАБ
ЕТАМИЗ.



Дилноза АБДУЛЛАЕВА,
Бўстон туманидаги
“Дўстлик” маҳалласи
ижтимоий ходими.

бағаллик сабабларини таҳлил қилгандан кейин оиланинг ҳар бир аъзоси учун махсус тактифлар ишлаб чиқилади. Агар зарурат бўлса, ногиронлиги бўлган фуқароларга реабилитация қилишнинг техник воситалари ҳамда протез-ортопедия мосламалари тақдим этилади. Биргина шу ёрдамнинг ўзи билан яшаш шароити изга тушиб кетаётган оилалар жуда кўп.

Бир оила мисолида бунга яққол гувоҳ бўлишингиз мумкин. Эркак ҳарбий хизматга бориб, олган жароҳати сабаб оёқларидан айрилади. Унинг турмуш ўртоғида ҳам 2-гурух ногиронлиги мавжуд. Соғлигидаги муаммолар туфайли ҳеч қаерда банд бўлмаган эр-хотин Камбағаллик реестрига киритилади. Хонадонни бу мушкул аҳволдан чиқариш мақсадида қатор амалий кўмаклар кўрсатилди. Хусусан, оила боши учун оёқ протези олиб берилди. Фуқаронинг ҳаракатланиши сал осонлашгач, олдин шуғулланган касибчили ҳунарини давом эттиришга киришди. Уйдан бир хонани

қулай тарзда жиҳозлаб, даромад топишни бошлади. Ҳоким ёрдамчисининг тавсияси билан олиб берилган тикув ускунаси унга анча қўл келяпти. Эр-хотин келаётган маблағни жамғариб, кичик сотув дўкони ҳам ташкил этишди. Бундан ташқари, 4 нафар фарзанднинг 3 нафари имтиёзли равишда турли тўғарақларга жалб қилинди. Қўллаб-қувватлаш натижасида хонадон камбағалликдан тўлиқ чиқарилди. Рўзғорига кут-барака кириб, эҳтиёжлари учун етарли пул

топишни бошлади. Жорий йил бошидан буён 9 та кейс очилиб, ҳар бири бўйича керакли хизматлар кўрсатилди. Бир оиланинг 12 ёшли қизи газ баллони портлаши натижасида 70 фоиз тана аъзоларининг куйиши билан шифохонага ётқизилди. Шифокорлар тавсияси билан икки босқичли жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Улар камбағал сифатида рўйхатга олингани боис “Саховат ва кўмак” жамғармасидан 17 миллион сўм маблағ ажратилди. Иккинчи тиббий амалиёт эса бепул тарзда бажарилди. Бир йиллик даволашни даври давомида қизалокнинг таълим олиш жараёни тўхтаб қолгани йўқ. Мактаб ўқитувчилари бириктирилиб, уй таълими олиб борилди. Ҳозирги кунда у мактабга бориб, дарсларда фаол қатнашяпти.

Бу йил олдимга катта мақсадлар қўйганман. Биринчи навбатда, ногиронлиги бўлган болалар ва камбағал оиланинг ўғил-қизлари учун мутахассисларни жалб қилган ҳолда, тил ўргатиш курсларини ташкил этишни режалаштирганмиз. Янги лойиҳа жамиятдан ажралиб қолган кўлаб болаларнинг ижтимоий-лашувини таъминлашга хизмат қилиши аниқ.



БЕШ ОПА-УКА МЕХРНИНГ ОҒУШИДА

Жондор туманидаги “Миришкор” маҳалласида
яшовчи 5 опа-укани бувиси Робия опа Раҳимова ва
Асрор ота Райимовлар ўз қарамоғига олган.



имтиёз асосида олий таълим муассасасига ўқишга кирди. Ака-укаларнинг бири техникумда, бошқалари эса умумтаълим мактабида таҳсил оляпти.

Шунингдек, болаларга тикув маши-наси, мусиқа асбоблари, маиший техни-

ка воситалари, ётоқ мебеллари олиб берилди.

Севинч маҳалладаги моҳир тикувчиға шоғирдликка тушган бўлиб, ҳозирги кунда ушбу ҳунар сирларини мукаммал ўрганапти. Шунингдек, болалар мусиқа тўғарақларида ҳам бепул таҳсил олишяпти.

Ижтимоий ҳимоя
миллий агентлиги
Бухоро вилояти бошкар-
маси матбуот хизмати.

Сабоҳат ҚОДИРОВА.
Жиззах вилояти:

— Яқинда ишсиз фуқароларга стипендия тўла-
ниши ҳақида эшитиб
қолдим. У айнан кимлар
учун ва қандай шартлар
асосида берилади? Шу
ҳақда тўлиқроқ маълумот
бера оласизми?

Хайрулла ҚИЛИЧОВ,
ИИБ академияси Фуқаровий
ҳуқуқий фанлар кафедраси
бошлиғи:

— Касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малака ошириш даврида ишсиз шахсларга Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг маблағлари сифидан, қоида тарикасида, **йигирма олти календарь ҳафтагача** бўлган муддатга стипендия тўланади. Стипендия ишсиз шахсларга куйидаги миқдорларда тўланади:

❑ ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) охириги ўн икки ойлик давр ичида маҳрум бўлган шахсларга — аввалги иш жойидаги **ўртача ойлик иш ҳақининг етмиш беш фоизи** миқдоридан, лекин

МЕНДА САВОЛ БОР...

ИШСИЗ
ФУҚАРОГА
СТИПЕНДИЯ
БЕРИЛАДИМИ?

меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ва Ўзбекистон Республикасида таркиб топган ўртача иш ҳақидан кўп бўлмаган миқдорда;

❑ **узок (бир йилдан ортиқ)** танаффусдан кейин ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган шахсларга — меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг **бир баравари** миқдоридан;

❑ биринчи марта иш қидираётган шахсларга — меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг **етмиш беш фоизи** миқдоридан.

Стипендияларни тўлаш солиқ солиш объекти ҳисобланмайди.

Стипендиялар тўлаш тўғрисидаги маълумотлар «Бандлик хизмати» ахборот тизимида ва сўровномада кўрсатилади.

Инклюзив таълим — тенг имкониятлар сари йўл

Инклюзив таълим ногиронлиги бўлган болаларга жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида ўсиб-ривожланиш, билим олиш ва ижтимоий ҳаётга фаол қўшилиш имкониятини беради.

Миразиз МИРСУЛТОНОВ,
Ижтимоий ҳимоя
миллий агентлиги
Тошкент вилояти
бошқармаси бошлиғи.

Бугунги кунда бундай ёндашув бутун дунё бўйлаб кенг тарқалмоқда.

Бўстонлик туманидаги “Наврўз” маҳалласида яшовчи Саидакбар Бобоназаров махсус таълимга муҳтож эди. Фотима Боқиева ўғлининг тенгдошлари билан бирга ўқишни жуда хоҳларди. Унинг фикрича, фарзанди алоҳида муҳитда эмас, балки жамият ичида камол топиши, у ерда мустақил ҳаётга тайёр бўлиб улғайиши муҳим эди.

Психологик-тиббий-педагогик комиссия тавсиясига асосан, Саидакбар мазкур тумандаги 3-умумтаълим мактабига қабул қилинди. Инклюзив таълим бошлан-



Саидакбар нафақат ўқишда, балки спорт ва санъат соҳаларида ҳам ўз иқтидорини намоён қилмоқда.

ганидан буён унинг ҳаётида кўп ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда.

— Дастлаб жуда хавотирландим, — дейди онаси **Фотима Боқиева**. — Болам синфдошлари билан тил топиша олармикан, ўқитувчилар уни тушунадими, деб ўйладим. Аммо бир йил ўтиб, Саидакбарнинг янги истеъдодлари

намоён бўлаётганидан жуда хурсандман. У ҳар куни мактабга ўзгача иштиёқ билан йўл олади. Бу ўқитувчиларнинг меҳнати, синфдошларининг илиқ муносабати ва мактабда яратилган инклюзив муҳит самарасидир.

Саидакбар нафақат ўқишда, балки спорт ва санъат соҳаларида ҳам ўз иқтидорини намоён қилмоқда. У яхши теннис ўйнайди ҳамда расм чизишга қизиқади. Шу билан бирга, футболга бошқача меҳр қўйган, жамоавий ўйинларда фаол қатнашади. Мактаб тадбирларида иштирок этиб, кўпчиликнинг эътиборига тушган. Болакайнинг ижодий қобилиятлари намоён бўлиши баробарида унинг фикрлаш доираси кенгайиб

бормоқда. Ҳис-туйғуларини тўғри баён қилишни ўрганапти.

Саидакбарнинг синф раҳбари Нилуфар Эргашева инклюзив таълим жараёнида алоҳида меҳнат қилмоқда. У боланинг таълим жараёнига тезроқ мослашиши, синфдошлари билан мулоқот ўрнатиши ва ўзига ишонч ҳосил қилиши учун ҳар жиҳатдан кўмаклашяпти.

— Биз ҳар бир бола билан ишлашга алоҳида эътибор қаратамиз, — дейди **Нилуфар Эргашева**. — Саидакбар жамоа орасида ўзини эркин ҳис қилиши учун барча шароитларни яратишга ҳаракат қилдик. Бошқа ўқувчилар ҳам унга илиқ муносабатда бўлиб, дўст тутишмоқда. Натижада у нафақат таълим оляпти, балки ижтимоий ҳаётга ҳам фаол қўшилмоқда.

Инклюзив таълим ногиронлиги бўлган болаларга мустиқил ҳаёт кеңиришга, ўз ўрнини топишга ва жамиятнинг фаол аъзоси бўлишга ёрдам беради. Бу нафақат айрим шахслар, балки бутун жамият учун катта ютуқдир.

ИМКОНИАТ



Ўзбекистонда ёшларни ПЕЧАК ЛИГАСИ университетларига тайёрлаш дастури ишга туширилади.



Давлат хизматчиларининг ХАЛОЛЛИГИНИ ТЕКШИРИШ ТИЗИМИ йўлга қўйилади.



Ўзбекистон Марказий Осиёда биринчи бўлиб Халқаро ВОЛЬФРАМ САНОАТИ ассоциациясига аъзо бўлди.

ТАХЛИЛ

СУВТЕКИН — СУВ ТЕКИН ДЕГАНИ ЭМАС

Бугун бутун дунёда чучук сув муаммоси энг долзарб масалалардан бирига айланган. Захиралар йилдан-йилга камайиб, аҳолининг истеъмол сувига бўлган талаби кун сайин ортиб бормоқда. Буни мутахассислар сайёраимизда чучук сув миқдори атиги 2,5 фоизни ташкил этиши билан боғлашади.

Азамат СУЮНОВ,
Ўзбекистон журналистлари уюшмаси аъзоси.



Мазкур долзарб муаммо мамлакатимизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Республикаимизнинг айрим жойларида истеъмолга яроқли сувнинг танқислиги ҳозирданоқ сезилмоқда. Шунга қарамай, ҳали кўпчилик бизни олдинда нақадар жиддий муаммолар кутиб турганини тасаввур қилмаяпти. Хизмат тақозоси билан кўпгина корхона ва ташкилотларга боришга тўғри келади. Таажжубки, ана шу муассасаларнинг ошхона ёки ювиниш хоналарига кирсақ, жўмракларнинг носозлигидан иссиқ ёки совуқ сув беҳуда оқиб ётганини бир неча бор кузатганмиз.

Сув тақсимидаги идораларнинг мутасадди ходимларига ҳам жиндай эътирозимиз бор. Ахир улар суви беҳуда нобуд бўлишига йўл қўяётган давлат ташкилотлари ёки хусусий корхоналарни яхшигина жаримага тортса, мақсадга мувофиқ бўлмасмикан? Ёки сув ўлчагич асбобларни ўрнатиб қўйиш шунчалик қийинми?! Шунингдек, ариқ сувларининг ифлосланишига йўл қўяётганларга ҳам назорат органлари кескин чоралар қўриши керак. Бундай шахсларга фақат маъмурий жавобгарлик эмас, ундан-да жиддийроқ жазолар қўллانسин...

Она табиатга бўлган қалтис муносабатимизнинг салбий таъсири ўлароқ, сайёраимизнинг барча кенгликларида иқлим ўзгаришлари рўй бераётгани сезиляпти. Ўрмон билан қопланган майдонлар кескин қисқараётгани, сув, атмосфера ва литосферанинг ифлосланиши, ўсимлик ва ҳайвонларнинг айрим ноёб турлари йўқолиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас.

Сўнгги маълумотларга қараганда, 2030 йилга бориб, дунё аҳолисининг учдан икки қисми ичимлик сув таъминоти билан тўқнаш келиши тахмин қилинмоқда. 1990 йилнинг ўрталаридан бошлаб, дунё аҳолисининг 40 фоизи яшайдиган 80 га яқин мамлакат мазкур муаммодан азият чека бошлаган. Ер шарида истиқомат қиладиган 1,1 миллиард киши ёки жами аҳолининг 18 фоизи тоза сув ичиш имкониятига эга эмас. Натижада турли юқумли касалликлар пайдо бўлмоқда ва йилга 3-5 миллион нафардан ортиқ киши ҳаёт билан видолашяпти.

Бундан ҳар биримиз огоҳ бўлишимиз, етарли хулоса чиқаришимиз жоиз. Шунга ўхшаш муаммолар республикаимизнинг айрим ҳудудларини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Мамлакатимиз жўроғий жойлашувига кўра, иссиқ минтақалар сирасига киради. Аҳолининг йил сайин ортиб бориши, саноатнинг ўсиши, қишлоқ хўжалигининг ривожланиши сувга бўлган эҳтиёжнинг янада ошишига сабаб бўлмоқда.

Ягона уммонимиз — Орол денгизи муаммоси барчамизни ташвишлантирмай қўймайди. 1992 йилда Орол денгизи минтақасини БМТ “Экологик ҳалокат ҳудуди” деб эълон қилгани бежиз эмас. Давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, “Агар Орол денгизи муаммосини бартараф этиш учун чоралар қўрилмас экан, у Марказий Осиёнигина эмас, Европанинг ҳам, сал ўтмай, бутун Ер юзининг атмосферасини бузувчи умуминсоний фоҳиага айланиши мумкин”.

Пировардида шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, тоза ичимлик сувини беҳуда нобуд қиладиган шахсларга нисбатан кескинроқ чоралар қўриш вақти аллақачон етган. Ахир ҳар нарсанинг ҳисоб-китоби, чеки-чегараси бор. Шу боис бу бебаҳо неъматнинг қадрига етиш ҳар бир инсон учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

Тажрибада малака оширишга эҳтиёж катта



Марғуба ОЧИЛОВА,
Тойлок туманидаги “Адас” ва “Сариосиё” маҳаллалари хотин-қизлар фаоли.

Таваккал қилишдан қўрқмайдиган, ўзидаги янги қирраларни очишга қизиқадиган инсон бошқаларга қараганда кўпроқ ютуқларга эришади. Тўғри, аввалига қийинчиликлар, тўсиқлар пайдо бўлади. Лекин интилиш ва ҳаракат билан ҳаммасини енгиб ўтиш мумкин. Ҳозир бизга шундай матонатли маҳалладошимиз ҳақида гапириб бермоқчиман.

Боқувчисини йўқотгани сабабли “Аёллар дафтари”га киритилган Гўлчеҳра Худойназарова бир неча йил давомида қийналиб ҳаёт кечирди. Фарзандлар таъминоти ва рўзгорининг камчиликларини бутлашга унинг кунлик ишлаб топаётган даромади етмасди. Бу тугунни ечиш мақсадида томорқасида кичик иссиқхона ташкил этиб, лимон еттиштиришни бошлади. Аммо бундан-да кўпроқ меҳнат қилиш, каттароқ натижаларга эришиш истаги уни ангиллик қилишга ундади. Утган йили маҳалла тавсияси билан 135 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, 12 сотих майдонда иссиқхона барпо этди. У ерга ноярб ойида гидропоник усулда кўлпнай кўчатларини экиб чиқди. 60 кун ичида ҳосил фарқ пишиб, тадбиркорга даромад келтиришни бо-

шлади. Гўлчеҳра опа январдан шу кунга қадар бир килограмм кўлпнайни 150 минг сўмдан пуллаб, айти вақтгача 2 тонна тайёр маҳсулотдан 400 миллион сўм соф фойдага эришди. Келини ва ўғлидан ташқари, яна 4 нафар фуқаронинг мавсумий бандлигини таъминлаяпти. Йиғим-терим мавсуми май ойига қадар давом этади. Шундан сўнг экинга бироз дам берилиб, августдан кўчатларини сотишга киришади.

Гарчи бу аёл ҳар куни тиним билмай меҳнат қилса-да, чарчоқ нималигини билмайди. Сабаби, тутган йўли тўғри бўлиб чиқди. Пешона тери билан топаётган маблағи эвазига фаровон турмуш кечирмоқда. Орзулари бирин-кетин амалга ошяпти. Унга кўпчилик маҳалладошлари ҳавас билан қарашяпти. Ҳатто ўзини шу йўналишда синаб қўриш истагини билдираётганлар сони кўпайиб борапти.

Яна бир тадбиркоримиз Мавлуда Яззонава узоқ йиллар давомида хорижий давлатда ишлаб юрган. Уни оиласи бағрига қайтарганимиздан кейин олдимизга бирор фаолият бошлаш истагида чиқди. Чет элда

қандолат маҳсулотлари пиширганини инобатга олиб, Мавлудага бўш турган бир бинода қандолатчилик қилиши мумкинлигини айтдик. Тавсия асосида 33 миллион сўм кредит ажратилгач, ишни бошлаб юборди. Ҳозир 4 нафар ёрдамчиси билан 25-30 турдаги ширинликлар тайёрлаяпти. Торт, сомса ва патир маҳсулотларини тўй ва маросимларга буюртма асосида пишириб беради. Ўзининг айтиши бўйича даромади анча яхши. Келгусида ишлаб чиқариш кўламини янада кенгайтиришни режалаштирган.

Ҳозирги кунда иккита маҳалла ҳудудига хизмат қиладиган ишчи таъсиротлар, суҳбатлар, муҳокамалар аввалгидан анча кўпайган. Шунга мос равишда тажрибаимиз ҳам ортиб бормоқда. Лекин иш ҳажми кўпайган бўлишига қарамай, ойлик маошларимизда ўзгариш бўлгани йўқ. Шу масалада қандайдир янгилик бўлишини кутаямиз. Қолаверса, бошқа маҳалла аҳолиси билан ишлаш нисбатан қийинроқ кечяпти. Хоҳлашимизми-йўқми, аҳолининг турмуш шaroити, ички урф-одатларида фарқ бўлади. Одамлар ўзи яхши танимайдиган ходимга сирларини ишониб айтмайди. Бунга ҳам балки яна бир ўйлаб қўриш керакдир.

Тажрибамдан келиб чиқиб, бир таклифни илгари сурмоқчи эдим. Хотин-қизлар фаолининг иш самарадорлигини янада ошириш учун республиканинг энг илғор мутахассисларини жалб қилган ҳолда малака ошириш курсларини кўпайтириш керак. Бу бир туман ёки вилоят миқёсида эмас, янада кенг қўламада олиб борилса, ўзаро фикр ва мулоҳаза алмашиш имконияти туғилган бўларди. Машғулотлар давомида ҳуқуқий саводхонлиқни оширишга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Қонун ҳужжатларининг моҳиятини тушунмаган, ўзининг ваколатларини тўлиқ англаб етмаган ходим аҳолининг бирор муаммосини ҳал қилишга ёрдам бера олмаслиги турган гап.



КИМЛАРГА ДАВОЛАНИШ УЧУН МАБЛАҒ АЖРАТИЛАДИ?

“АЁЛЛАР ДАФТАРИ”ГА КИРИТИЛГАН ХОТИН-ҚИЗЛАР ЁКИ УЛАРНИНГ ВОЯГА ЕТМАГАН ФАРЗАНДЛАРИГА ДАВОЛАНИШ УЧУН МАБЛАҒ АЖРАТИЛАДИ.



Даволаш, дори воситаларини олиб бериш ёки мураккаб жарроҳлик амалиётлари учун маблағ зарур бўлган ҳолатларда, туман (*шаҳар*) тиббиёт бирлашмаси ва сектор раҳбари хулосалари билан тиббий муолажа харажатлари “Аёллар дафтари” жамғармаси, Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўлаб берилади. Бунда қуйидаги миқдордаги харажатлар “Аёллар дафтари” жамғармаси ҳисобидан тўлаб берилади:

- дори-дармон олиб бериш учун БХМнинг 20 бараваригача (7 млн. 500 минг);
- мураккаб жарроҳлик амалиётлари учун БХМнинг 100 бараваригача (37 млн. 500 минг).

МАНЗАРА

ЛАВҲА

Интиланганга имконият чекланмаган

ЖОЙЛАРДА ТАДБИРКОР, ИШ-БИЛАРМОН ВА ҲУНАРМАНД АЁЛЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВ-ВАТЛАШ, УЛАРГА ЗАРУР ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛЯПТИ.



Буни биргина Бухоро шаҳридаги “Ҳўжа Ғунжорий” маҳалласи мисолида кўриш мумкин. Имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда, ўз фаолиятини йўлга қўйган Феруза Жалилова шу маҳалланинг Мирдўстим кўчасида истиқомат қилади. Ушбу маҳалла хотин-қизлар фаоли Нодира Болтаева тадбиркорнинг доимий кўмакчиси. Ҳар қандай савол ва мурожаатига ечим топишда қўллаб-қувватлаб келмоқда.



Феруза Жалилова имконияти чекланган аёллар рўйхатида киритилган бўлишига қарамай, меҳнат ва ҳаракат ортидан ўзига ўхшаган 21 нафар иккинчи гуруҳ ногиронлиги бор хотин-қизнинг бандлигини таъминлаган. Улар ойига ўртача 4-5 миллион сўмгача даромад топишмоқда.

Ушбу тикувчилик корхонасида фаолият олиб бораётган аёлларнинг қувончлари чексиз. Улар ногиронлик нафақасига боғланиб қолмай, оилаларига қўшимча даромад келтираётди. Аёлларнинг фаолиятини барча учун намуна қилиб кўрсатса арзийди.

Оила ва хотин-қизлар кўмитаси матбуот хизмати.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

ЭЪЛОН

Акрамов Ҳамид
Ҳамдамович номига
2021 йил 8 январда
берилган
03-01/10235
рақамли мулк
ҳуқуқини
тасдиқловчи
давлат ордери
йўқолганлиги
сабабли БЕКОР
ҚИЛИНАДИ.



“ОСИЁ КУБОГИ — 2026”: Ўзбекистон аёллар терма жамоаси Непал, Лаос, Шри-Ланка термалари билан рақобатлашади.



ЮНОН-РУМ КУРАШИ бўйича ўтказилган қитъа биринчилигида Ўзбекистон вакиллари 3 та олтин, 2 та кумуш ва 1 та бронза медалини қўлга киритди.



Маҳаллаларда футбол ва мини-футбол бўйича анъанавий ДХХ КУБОГИ баҳсларига старт берилади.

8

№26 | 2025 йил 29 март, шанба

Mahalla

БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ!

ТУҒРИ ОВҚАТЛАНИШнинг

СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ

БАДАНТАРБИЯ

Туғри овқатланишда оқсил, ёғ ва углеводлар мувозанати муҳим. Сабзавот ва мевалар истеъмолида ҳам меъёрга амал қилиш керак. Қуйида соғлом турмуш тарзини йўлга қўйишда амал қилишимиз лозим бўлган бешта оддий қоидага тўхталиб ўтамиз.

БЕШТА ОДДИЙ ҚОИДАСИ

1. “1 оқсил, 1 ёғ ва 4 углевод” уйғунлигидан фойдаланинг!

Овқат миқдорида мувозанат муҳим. Экспертлар тавсияларига кўра, унинг 55-75 фоизи углеводлар, 30 фоиздан ортиқ бўлмаган қисми ёғлар улушига туғри келса, яна 10-15 фоизини оқсиллар эгаллаши керак. Фоизларда адашиб кетмаслик учун “1 оқсил, 1 ёғ ва 4 углевод” уйғунлигини эслаб қолинг. Соғлом овқатланиш тартибида озукавий моддалар нисбати шундай кўринишда бўлади. Таомнинг аниқ миқдори ва вазни алоҳида омилларга боғлиқ. Парҳезшunosлар тана ўлчамига қараб миқдорни ҳисоблайди.

2. Овқатланиш тартибини мураккаб углеводлар асосида тузинг!

Углеводлар кунлик миқдорнинг ярмидан кам бўлмаган қисмини эгаллаши керак бўлгани учун улардан қайсилари фойдали экани, қайсилари аксинча ортиқча вазн ва соғлиққа зарар эканини билиш керак. Углеводлар оддий ёки мураккаб эканини кўрсатуви ўлчам гликемик индекс (ГИ) деб аталади.

Соғлом овқатланиш тартибида ГИ 70 ёки ундан юқори бўлган маҳсулотлар улушини камайтиришни кўзда тутати. Чипс, шўр крекер, ширин газли сув, ширин қулча, ковририлган картошкани камдан-кам ҳолларда истеъмол қилиш лозим. Асосий овқатланиш тартибидан ўртача (40 дан 70 гача бўлган) ва паст (40 дан кам) бўлган углеводлар асосида қуриш керак.



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига кўра, соғлом одам кунига 50 грамм ёки 12 та кичкина қошиқда шакар истеъмол қилиши меъёр ҳисобланади. Меъёр доирасида қошиш учун газли ширин сув, ширинлик истеъмолини чеклаш ёки улардан батамом воз кечиш керак. Сабзавот, мева ва табиий сут маҳсулотлари таркибидаги шакарни ҳеч қандай чекловларсиз истеъмол қилиш мумкин.

Дилафрўз ШАРИФОВА, диетолог.

Масалан, дуккакдилар, сархил ва бугда пиширилган сабзавотлар, ёрмалар углеводларнинг кунлик меъёриини тўлдирати.

3. Мева ва сабзавотларни ҳар кун истеъмол қилинг!

Сабзавот, мева ва кўкатларни ҳар кун ийиш керак. Чунки уларнинг таркибида организм учун зарур витамин ва минераллар мавжуд. Бундан ташқари, ушбу маҳсулотлардаги озуқалар овқат ҳазми қилиш жараёни меъёрида кечиши учун зарур. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти сабзавот, мева ва резаворларни кунига 400 граммдан

кам бўлмаган миқдорда истеъмол қилишни тавсия этади. Картошка, нўхат, жүхори, батат, қуруқ мевалар ушбу “яшил” меъёрга кирмайди.

4. Табиий гўшт истеъмол қилинг!

Бу қоида нафақат гўшт, балки бошқа маҳсулотлар танловида ҳам катта аҳамиятга эга. Соғлом овқатланиш табиий ва фойдали маҳсулотлар истеъмол қилишни англатади. Улар уйда тайёрланган бўлиши лозим. Масалан, хушбўй ўсимлик ва саримсоқ билан газ печида тайёрланган ёғсиз, сархил гўшт. Унда музлатилган чучварадаги қўшимчалар, кимёвий таъм қўжайтиргичлар

ва бўёқлар бўлмаслиги аниқ.

5. Туз ва шакарни камроқ истеъмол қилинг!

Туз ва шакар табиий ҳолда маҳсулотлар таъмини қўжайтиради. Улар кунлик меъёрдан ошмаса, зарар келтирмайди. Катта одам кунига 5 граммдан кам бўлмаган миқдорда туз истеъмол қилиши керак. Бу бир чой қошиққа туғри келади. Кўплаб тайёр маҳсулотлар таркибида туз мавжуд. Шунинг учун уйда таомларга тузни камроқ солишга ҳаракат қилиш, шўр балиқ, қуритилган нон каби егуликларни емаслик керак.

Жисмоний фаоллик — қон босими меъёрида муҳим омил

Доимий жисмоний фаоллик юқори қон босими хасталигига чалинган беморлар учун фойдали машғулот ҳисобланади. Чунки ўртача тезликдаги машқлар таъсири остида инсон танасида қон босими меъёрлашади.



Тавсия этилади: оёқ машқлари, пиеда юриш, сузиш, велосипед учаш. Улар инсон танасининг чидамлилигини ошириб, умумий қон томирлар қаршилигини камайтиради.

Шуни ёдда тутиш керак:

- оғирлик кўтариш ва уни ушлаб туриш, узок вақт тик оёқда туриш ёки ўтириш қон босимини ошириши мумкин. Шу боис улардан қочиш;
 - бош ва танани ён томонларга буришда эҳтиёт бўлиш;
 - тананинг ҳаётдан зиёд қизиқ кетмаслиги учун жисмоний машғулотларни эрталаб тонгда бажариш лозим.
- Энг қўлай машғулот тартиби: ҳафтада 4-5 марта 20-30 дақиқа ёки ҳафтада 2-3 марта 40-60 дақиқа.
- Жисмоний фаолиятга қарши кўрсатмалар:
- қон босими кескин ошганда ва ундан кейинги эрта давр;
 - саломатлиқнинг ёмонлашуви билан қон босимининг сезиларли даражада пасайиши;
 - юқори қон босимининг 3-даражаси;
 - юрак уришининг бузилиши каби жиддий асоратлар.
- Жисмоний машғулотлар вақтида нафас қисиши, кўкрак қафаси ва юрак соҳасида оғриқлар, юрак фаолиятида бузилишлар пайдо бўлганда машқларни дарҳол тўхтатиш ва шифокор билан маслаҳатлашиш лозим.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Матбуот хизмати.

БИЛИБ ҚЎЙИҢ!

Балки сиз буни билмагандирсиз, лекин нўхат нафақат мазали, балки жуда кучли табиий “дори” ҳамдир!

НЎХАТ — АЖОЙИБ ОЗУҚА МАНБАИ



Унинг 3 та ажойиб хусусияти:

- ✓ қабзиятни йўқотади! Ичакларнинг табиий равишда ишлаши учун мос шароит яратди;
- ✓ қон босимини меъёрга келтиради! Натрий миқдорини камайтириб, юрак ва қон томирларининг ҳимоя қилади;
- ✓ ичак микрофлорасини яхшилайди! Фойдали бактериялар учун ажойиб озуқа манбаи.

Умида ҲАЙДАРОВА. Тошкент вилояти:

— ОДАМЛАР ОРАСИДА ЁШ БОЛА ҚЎЛИНИ СУВГА ТИКИБ ҚЎЙСА, ШУ СУВНИ НОПОК БЎЛИБ ҚОЛДИ, ТЎКИБ ЮБОРИШ КЕРАК. ДЕГАН ГАП ЮРАДИ. ҲАҚИҚАТДА ҲАМ ШУНДАЙМИ?

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

— Инсон у хоҳ мусулмон ёки бошқа дин вакили бўлсин, катта ёки кичик бўлсин, модомики, қўлида нажосат бўлмаса, сувга қўлини тикиш билан сув нопок бўлиб қолмайди. Сув нопок бўлиб қолди, деб тўкиб юбормаслик керак. Бу исроф бўлади. Агар қўлда нажосат бўлгани аниқ бўлиб, шу қўлини тиккан бўлса, сув ҳам, идиш ҳам нопок бўлади.

Уламолар ёш бола қўлини тиккан сувда таҳорат олиш танзихий (енгил) макруҳ, ундан бошқа сув билан таҳорат олиш афзал, чунки ёш болалар нажосатдан сақлашни билмайди, дейишган. Шундай бўлса-да, мазкур ҳолдаги сув билан таҳорат олинса, таҳорати ҳақиқий бўлаверади. Бу

ЁШ БОЛАНING ҚЎЛИ ТЕГСА, СУВ НОПОК БЎЛАДИМИ?



ҲИДОЯТ ЁҒДУСИ

ҳақида фикҳий манбаларимизда маълумотлар берилган.

Жумладан, “Шарҳи Ақтоб” китобида бундай дейилган: “Уйқудан уйғонган кишининг қўлида нажосат бўлиши эҳтимоли борлиги сабабидан у қўлини тиккан сув билан таҳорат олиш макруҳдир. Шунингдек, ёш бола қўлини тиккан сувдан ҳам таҳорат олиш макруҳдир”.

“Ҳалаби кабир” китобида шундай дейилган: “Ёш бола қўлини идишдаги сувга тиккан бўлса ва унинг қўли пок эканини аниқ билмаса (уни доимий назорат қилиб турган одам бўлади), шу сув билан таҳорат олиш мумкин. Агар унинг қўлида нажосат борлигини аниқ билса, таҳорат олиш мумкин эмас. Нажосат бор-йўқлигини аниқ билмаса, ёш бола ўзини нажосатдан эҳтиёт қила олмаслиги сабабли бу сув билан таҳорат олиш яхши эмас. Лекин агар таҳорат олинса, зарари йўқ. Чунки пок нараса шубҳа-гумонлар билан нопок бўлиб қолмайди”.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ
Шерзод МАМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.



Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 9 200 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-320

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.